Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз!

# O'ZBEKISTON BUNYODKORI

№20 (369)
2020 йил 13 март, жума
Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

ijtimoiy-iqtisodiy gazeta
Строитель Узбекистана

UZBUNYODKOR t.me/uzbunyodkor uzbunyodkori@umail.uz



# ХОРАЗМДА ЯНГИ ИСЛОҲОТЛАР ЯНГИЧА РУҲДА АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳудудлар ривожи, аҳоли ҳаёти билан яқиндан танишиш мақсадида 12 март куни Хоразм вилоятига келди.

Давлатимиз раҳбари дастлаб «Ҳазорасп» эркин иқтисодий зонаси ҳудудида жойлашган бўялган трикотаж мато ва текстиль маҳсулотлари ишлаб чиқариладиган «Develop Textile» масъулияти чекланган жамияти шаклидаги хорижий корхона фаолияти билан танишди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 январдаги «Ургут», «Ғиждувон», «Қўқон» ва «Ҳазорасп» эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш тўғрисида»ги фармони ҳамда 2017 йил 7 августдаги «Эркин иқтисодий зоналар самарали фаолият кўрсатиши учун вазирликлар, идоралар ва жойлардаги давлат ҳокимияти органларини мувофиқлаштиришни кучайтириш ва уларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижроси доирасида Хоразм вилоятида ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Президентимиз 2017 йил 14-15 октябрь кунлари Хоразм вилоятига ташрифи давомида «Ҳазорасп» эркин иқтисодий зонаси фаолиятини янада ривожлантириш лойиҳалари тақдимоти билан танишиб, ҳудуд иқтисодиётига тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш бўйича аниқ топшириқлар берган эди. Айни кунда ушбу йўналишда кенг қамровли амалий ишлар жадал олиб борилмоқда.

«Ҳазорасп» эркин иқтисодий зонаси учун Ҳазорасп туманининг 2 та ҳудудидан 325 гектар бўш ер майдони ажратиб берилган эди. Қурилиш ва инфратузилма тармоқлари барпо этиш харажатларини камайтириш мақсадида ЭИЗ корхоналарини биринчи навбатда бўш турган бино ва иншоотлар негизида жойлаштириш бўйича таклифлар ўрганилиб, яна 7 та ҳудуддан 89 гектар майдон эркин иқтисодий зона ҳудудига қўшиб берилди. Натижада «Ҳазорасп» эркин иқтисодий зонаси ҳудуди Боғот, Хива, Урганч туманларидан ажратилган майдонлар ҳисобига кенгайиб, жами 414 гектарга етди.

Бугунги кунда «Ҳазорасп» ЭИЗда умумий қиймати 306,3 миллион долларлик 19 лойиҳа бўйича иш олиб борилмоқда. Ўтган давр мобайнида ўндан ортиқ лойиҳа тўлиқ ишга туширилди ва сендвич панеллар, ювиш воситалари, автомобиль радиаторлари, қурилиш материаллари, тайёр трикотаж маҳсулотлари, қуёш батареялари, стерилланган бир марталик тиббиёт қўлқоплари ва пойафзал ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Шунингдек, қиймати 19,5 миллион долларга тенг 5 та лойиҳа жорий йилнинг биринчи ярмида ишга туширилади ва яна 500 дан ортиқ киши доимий иш ўрнига эга бўлади. Тиббиёт тест таёқчалари, маиший техникалар учун электр двигателлар, жомадонлар ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилади. Шу билан бирга, эркин иқтисодий зонада 9 та истиқболли лойиҳани амалга ошириш бўйича ишлар бошлаб юборилган. Мазкур лойиҳалар амалга оширилиши ҳисобига 1500 га яқин янги иш ўрни яратилади.

Эркин иқтисодий зона ҳудудида алоҳида божхона режими, солиқ имтиёзларининг амал қилиши ҳудуднинг инвестициявий жозибадорлигини ошириб, тўғридан-тўғри сармояларни жалб қилишда муҳим омил бўлмоқда.

«Develop Textile» МЧЖ шаклидаги хорижий корхона эркин иқтисодий зона ҳудудидаги истиқболли лойиҳалардан бири. Бугунги кунда лойиҳани амалга ошириш билан боғлиқ қурилиш ишлари якунланган. Кенг, ёруғ цехлар, омборхона ва бошқа қўшимча хоналар барпо этилган. Ишчиларнинг унумли меҳнат қилиши ва дам олиши учун зарур қулайликлар яратилган. Хориждан келтирилган замонавий тикувчилик дастгоҳлари ўрнатилган.

Йирик лойиҳани ишга тушириш учун 13,14 миллион доллар маблағ сарфланди. Унинг 4,16 миллион доллари тўғридан-тўғри хорижий инвестиция, 8,98 миллион доллари тижорат банкининг кредит маблағидир.

Давлатимиз раҳбари мазкур корхонада бўлиб, мутахассислар ва тикувчилар билан суҳбатлашди. Ишлаб чиқариш жараёни ва тайёр маҳсулотлар намуналарини кўздан кечирди. Президентимиз бу каби замонавий корхоналарни кўпайтириш орқали пахта хомашёсини қайта ишлашни йўлга қўйиш, эндиликда фақат тайёр маҳсулот экспорт қилиш зарурлигини қайд этди.

Лойиҳа ишга туширилиши билан 800 га яқин иш ўрни яратилади. Корхона йилига 4 минг тонна ҳар хил турдаги бўялган чоксиз тайёр трикотаж мато, 14 миллион дона трикотаж-тикув маҳсулотлари ишлаб чиқариб, 12 миллион долларлик маҳсулотни Германия, Франция ва Европанинг бошқа давлатларига экспорт қилишни режалаштирган.

(Давоми 2-бетда)

## БУГУНГИ СОНДА:



Гипс ишлаб чиқариш ҳажми ортади 2



Санъати барҳаёт Уста Ширин 3



Қурилиш объектлари учун тендер савдолари 4-5

# Меҳмонхонада 150 киши ишли бўлди

**Бухоро шаҳрининг марказида 20 йил давомида ташландиқ ҳолга келиб қолган собиқ «Зарафшон» меҳмонхонаси баҳорнинг илк кунларида маҳаллий тадбиркорнинг хорижий ҳамкорлар билан биргаликда амалга оширган инвестиция лойиҳаси асосида замонавий ва кўркам қиёфага кирди.**

«Саҳид Зарафшон» номидаги меҳмонхонанинг очилиш маросимида жамоатчилик вакиллари, тадбиркорлар, хорижий меҳмонлар, сайёҳлик фирмалари раҳбарлари, ёшлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Таъкидланишича, мамлакатимизда туризмни жадал ривожлантиришга қаратилган оқилона ислоҳотлар натижасида юртимиз, жумладан, Бухорога келаётган сайёҳлар сони йилдан-йилга кўпаймоқда. Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, бетакрор Бухоро улкан салоҳиятга эга туризм чорраҳасига айланиб бормоқда.

Биргина 2019 йилда вилоятга ташриф буюрган сайёҳлар сони 3,6 миллион кишини ташкил этган. Шундан 600 мингдан зиёди хорижий туристлардир. Айни пайтгача вилоятда катта-кичик ҳажмдаги 346 та меҳмонхона негизида 8 мингдан зиёд кишини қабул қилиш қуввати яратилди. 2018-2019 йилларда жами 4 мингдан зиёд меҳмон қабул қилиш имкониятига эга 225 та янги меҳмонхона ва жойлаштириш воситалари қуриб битказилди. Бу соҳада 3 мингга яқин муқим иш ўрни яратилди.





«Саҳид Зарафшон» меҳмонхонаси илғор менежмент бошқарувини йўлга қўйиш бўйича Индонезиянинг халқаро миқёсда танилган «Саҳид» компанияси билан ҳамкорликда бунёд этилди.

Мазкур йирик меҳмонхонада меҳмонхона хизмати билан бир вақтда, 3 та йирик конференция заллари, қишки боғ, ресторанлар, кўргазмалар биноси, очиқ ва ёпиқ бассейн каби қўшимча объектлар фаолият кўрсатади. Меҳмонхонада 150 нафардан зиёд бухоролик ёшлар ишли бўлди.

Тадбирда Бухоро вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи Карим Камолов қатнашди.

**Зариф КОМИЛОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# Қурилиш саноати ривожланмоқда

**«Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмасида ОАВ ходимлари, журналист ва блогерлар учун «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган қурилиш материаллари билан танишинг» мавзусида пресс-тур ташкил этилди. Унда мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган янги турдаги, энергия тежамкор, инновацион қурилиш материаллари ва корхоналар ҳақида мутахассислар томонидан тўлиқ маълумот берилди.**

Тадбирда уюшма бошқаруви раисининг ўринбосари Улуғбек Абраев сўзга чиқиб, уюшма томонидан Ҳукумат кўмагида, тегишли вазирлик, тижорат банклари ва ҳокимликлар билан биргаликда Президентимизнинг 2019 йил 27 февралдаги фармойиши доирасида олиб борилаётган ишлар хусусида батафсил маълумотлар берди. Қайд этиб ўтилганидек, биргина 2019 йилда 16,8 трлн сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, ўсиш 2018 йилга нисбатан 117,4 фоизни ташкил этган. Асосий қурилиш материалларидан 11 млн тонна цемент, 18,8 млн квадрат метр қурилиш ойнаси, 43,1 млн квадрат метр гипсокартон, 16,5 млн квадрат метр керамик плитка каби қурилиш материаллари ишлаб чиқарилган.

(Давоми 3-бетда)

**Долгий срок службы**
Гарантия от производителя на композитную арматуру – более 80 лет.

**Удобство покупки**
Возможность покупки необходимого метража для выполнения строительных работ.

**Невысокая цена**
При равнозначной замене, использование композитной арматуры дешевле в 2 раза.

**Прочность при растяжении**
Композитная арматура превосходит металлическую по данному показателю в 2-3 раза в зависимости от марки.

**Меньший вес**
Композитная арматура легче равнозначной по диаметру металлической арматуры в 9 раз.

**Устойчивость к щелочи**
Устойчива к щелочной среде бетона.

**Удобство работы с материалом**
Для монтажа композитной арматуры не нужен сварочный аппарат и другие дополнительные инструменты.

**Удобство при транспортировке**
10 кг такой арматуры помещается даже в богажник легкового автомобиля.

STEKLOPLASTIK
РАЗРАБОТКА И ПРОИЗВОДСТВО



93 330 20 78 98 273 33 73
steklopl@mail.ru www.stekloplastik.uz
Самаркандская область, Самаркандский р-н, п. Андижани.
Товары сертифицированы.

O'ZBEKISTON BUNYODKORI СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№20 (369) 2020 йил 13 март

# ХОРАЗМДА ЯНГИ ИСЛОҲОТЛАР ЯНГИЧА РУҲДА АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

«Ҳазорасп» ЭИЗ кенг имкониятлар майдони бўлиб, ҳудудда ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятидан самарали фойдаланиш, янги иш ўринлари ташкил этиш, пировардида аҳолини барқарор даромад манбаи билан таъминлашга хизмат қилади. Бу эса миллий иқтисодиётимиз тараққиёти, юртимиз равнақи, халқимиз фаровонлигини таъминлашга муносиб ҳисса бўлиб қўшилади.

Шу ерда Хоразм вилоятида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари, ташкил этиладиган ишлаб чиқариш ҳудудларининг жойлашуви, инфратузилмани ривожлантириш, автомобиль йўлларини қайта қуриш ва реконструкция қилиш, ичимлик суви таъминоти тизимини яхшилаш, камбағалликни камайтириш ва бошқа лойиҳалар ҳақида ҳам маълумот берилди.

Давлатимиз раҳбари кўп йиллик лойиҳалар тузишдан воз кечиб, қисқа муддатли, самарали, бир йиллик лойиҳаларни кўпайтириш лозимлигини таъкидлади.

Шавкат Мирзиёев Янгиариқ туманидаги «Global Food Impeks» масъулияти чекланган жамияти томонидан ташкил этилган замонавий иссиқхонани кўздан кечирди.

«Global Food impeks» МЧЖга 23 гектар ер ажратилган. Ҳозирда тумандаги 10 гектарлик ва Нукус шаҳридаги 3 гектарлик иссиқхонада помидор ва бодринг етиштирилмоқда. Янгиариқда қурилаётган 10 гектарлик иссиқхонани эса жорий йил сентябрь ойига қадар ишга тушириш режалаштирилган. Бу ерда қулупнай, гул ва кўчатлар етиштирилади.

Президентимиз ташриф буюрган иссиқхонада йилига 3 минг тоннадан зиёд бодринг ва 2 минг тонна помидор етиштирилади. Помидорнинг Нидерландиядан келтирилган нави экилган. Бу нав «Юсупов» навига ўхшаб кетади. Гектарига 400-450 тоннагача ҳосил беради. Узилганидан кейин 25-28 кун яхши сақланади, сархиллик хусусиятини йўқотмайди.

Помидор Россияга экспорт қилинмоқда. Жорий йил январь-февраль ойларида 480 минг долларлик помидор шу мамлакат бозорига етказиб берилди. Экспорт жараёни қулайлаштирилган. Божхона, санитария ва бошқа экспортга рухсат берувчи ташкилотлар ходимлари иссиқхонанинг ўзига келиб ҳужжатларни расмийлаштириб беради. Маҳсулот Янгиариқдан Москвагача юк машиналарида 2,5-3 кунда етказиб борилади. Куни кеча илк бор Санкт-Петербургга 10 тонна помидор юборилди.

Ҳосил гидропоника усулида етиштирилади, яъни ҳар бир кўчат кокос дарахти пўстлоғи бўлган махсус ўрамга экилади. Томчилатиб суғорилади, ўсимликка минерал ўғит ҳам сув орқали берилади.

Кокос ўрами Шри-Ланкадан, ўғитлар эса Нидерландиядан келтирилади. Бунга тадбиркорларимиз кўп маблағ сарфлайди. «Global Food impeks» МЧЖ раҳбари Алишер Маткаримовнинг айтишича, ҳосил учун энг кўп ишлатиладиган ва жуда зарур кальций нитрат ўғитининг 23-24 тоннаси юкланган катта юк машинаси Янгиариқдаги иссиқхонага кириб келиши учун 25 минг доллар маблағ керак бўлади. Бизда ишлаб чиқарилса, бу кўрсаткич тахминан 9-10 минг долларга айланиши мумкин.

Тадбиркор кокос дарахти пўстлоғи озуқаси ўрнини босувчи табиий манбани ўзимизда ишлаб чиқариш ҳаракатида. Бу борада Урганч давлат университети олимлари билан ҳамкорликда илмий ишлар бошланган. Шу мақсадда университет учун лаборатория ҳам қурилади.

Ҳозирча иссиқхонани туркиялик агрономлар бошқармоқда. Улар ёнида Урганч давлат университети ўсимликшунослик факультети 4-босқич талабалари иш ўрганаётир. Талабалар синов муддати билан ишга олинган. Ҳозирча уларга ойига 2 миллион сўмдан маош тўланмоқда. Иккинчи йилдан иқтидорига қараб 10 миллион сўм ойлик олиши ваъда қилинган. Ишни мустақил юрита олиш даражасига етгач, ёш агрономларга 40 миллион сўмгача ойлик тўланади. Чунки бугунги кунда иссиқхона саноатида агроном асосий куч ҳисобланади.

Иссиқхонада 260 иш ўрни яратилган бўлиб, уларнинг 200 нафари хотин-қизлардир. Ишчилар меҳнатига яраша 1 миллион сўмдан 4,5 миллион сўмгача ойлик олади. Шунингдек, яхши ишлаганларга кунлик, ҳафталик пул мукофотлари берилади. Асосий жараён компьютерда бошқарилади. Ишчилар фақат ҳосилни териш ва қадоқлаш билан шуғулланади.

– Қишлоқ хўжалигида илм, янгича дунёқараш пайдо бўлди. Мана, ишнинг кўзини билса, катта даромад олиш мумкинлигига мисол. Хоразмнинг ери шўр. Шундай жойларда замонавий иссиқхоналарни кўпайтириш, 100-200 гектарга етказиш керак. Ҳам одамларга иш жойи, ҳам экспорт бўлади, – деди давлатимиз раҳбари.

Иссиқхона деталларини маҳаллийлаштириш, бозор талабидан келиб чиқиб, қайта ишлашни йўлга қўйиш бўйича топшириқлар берилди.

Шу ерда вилоятда мева-сабзавотчилик, томорқачилик, чорвачилик, балиқчиликни ривожлантиришга оид лойиҳалар тақдимоти ўтказилди.

Президент Янгиариқ туманидаги «Хоразм пилла холдинг» корхонаси фаолияти билан танишди.

Бир йил аввал корхона ўрнида 70 йиллар олдин қурилган эски пиллахона бўлган. Шу атрофда яшаётган хотин-қизларни эса ишсизлик масаласи қийнаб келарди. Президентимиз ташаббуси билан мамлакатда кластер усулида пилла етиштириш тизими йўлга қўйила бошлагани янгиариқлик хотин-қизлар ҳаётида ҳам янги саҳифа бошлаб берди.

Эски пиллахона ўрнида замонавий жиҳозланган, кластер усулида ишлайдиган «Хоразм пилла холдинг» масъулияти чекланган жамияти фаолият бошлади. Корхонада лойиҳалар босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Биринчи босқичда пиллани қайта ишлайдиган 2 та линия ишга туширилади. Бунинг учун тадбиркор 1,3 миллион доллар маблағ сарфлади. Корхонада пилладан хом ипак, ипак момиғи ишлаб чиқарилади, 50 дона замонавий дастгоҳда ипак гилам тўқилади. 2 сменада 200 доимий, 1800 мавсумий ишчи, асосан, хотин-кизлар меҳнат қилмоқда. Корхона жорий йилда 1 миллион 159 минг долларлик маҳсулотни экспорт қилишни режалаштирган. Лойиҳа учун сарфланган маблағ 5 йилда қопланиши кутилмоқда.

Хоразмда пиллани қайта ишлаш бўйича илғор тажрибалар оммалашмоқда. 2019 йилда вилоятда «Хоразм ипаги», «Khiva silk fabric», «Urganch silworn pro» ва «Хоразм пилла холдинг» каби пиллани қайта ишлаш корхоналари иш бошлади.

Жорий йилда вилоятда пиллачилик соҳасида 1649 доимий ва 4 марта пилла етиштириш мавсуми ҳисобига 55 минг 585 мавсумий иш ўрни яратилиши мақсад қилинган.

«Хоразм пилла холдинг» корхонаси жорий йил охирига қадар «Afghan Bazar Garpets» хорижий корхонаси (Германия) билан ҳамкорликда ипак, жун ва пахта толаси аралашмасидан қўлда гилам тўқиш цехи очишни режалаштирган. Бу яна 200 хотин-қизни иш билан таъминлаш имконини беради. Лойиҳа тутзорлар ташкил қилишдан бошлаб тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришгача бўлган жараённи қамраб олади. Маҳсулотлар Европа ва АҚШ бозорларига экспорт қилинади.

Президентимиз хотин-қизлар учун муносиб иш ўрни яратиш омили бўлган бу каби кластер усулидаги корхоналарни ҳар бир туманда ташкил қилиш зарурлигини таъкидлади.

– Хомашё етиштиришдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришгача бўлган жараён ҳар бир туманда йўлга қўйилиши керак. Бу жараёнга асосан тадбиркорларни жалб этиш яхши самара беради. Ўзбек ипак маҳсулотларига бозор бор экан, бу каби кластерларни кўпайтирамиз, – деди давлатимиз раҳбари.

Президентимиз Хива шаҳридаги «Ичан қалъа» мажмуасига ташриф буюриб, Амир Тўра мадрасасида амалга оширилган реставрация ишлари билан танишди.

Маълумки, Хива жаҳон миқёсида тарихий шаҳарлар дурдоналаридан ҳисобланади. Очиқ осмон остидаги музей, дея эътироф этиладиган бу қадимий қалъа 1990 йили юртимизда биринчи бўлиб ЮНЕСКОнинг Жаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган.

«Ичан қалъа»да халқимизнинг ноёб меъморлик анъаналари, аждодларимизнинг турмуш тарзи, ҳунармандлиги, санъати ва маданияти ўз ҳолича сақланиб қолган. Мажмуадаги 58 та тарихий-маданий мерос объектидан 17 тасида турли музейлар жойлашган.

Мажмуадаги тарихий обидаларни асл ҳолича сақлаш мақсадида реставрация ва консервация ишлари олиб борилмоқда. Музей-қўриқхонанинг шимолий қисмида, аҳоли истиқомат қиладиган ҳудудда жойлашган Амир Тўра мадрасаси жорий йилда Хитой Халқ Республикасининг 9,5 миллион долларлик грант маблағи ҳисобидан қайта тикланди. Натижада ушбу иншоот «Ичан қалъа»даги туристик объектлардан бирига айланди.

Мадраса 1872 йили барпо этилган. Чор Россиясининг Хоразмга ҳужуми туфайли обида қурилиши охирига етказилмай тўхтаб қолган. Мадрасанинг олд фасади Хива меъморлигига хос тарзда икки қаватли қилиб қурилган. Бу ерда 54 та ҳужра бўлиб, ички саҳн кошин билан қопланган. Шунингдек, 2 та гумбазли хона, қишки ва ёзги масжидлар, дарсхона бўлган.

Давлатимиз раҳбари «Ичан қалъа»да халқимизнинг бебаҳо маданий мероси мужассам эканини, Амир Тўра мадрасаси каби ноёб обидалар аждодларимизнинг тарихий ўзига хослигини сақлаш ва келажак авлодларга асл ҳолича етказишда муҳим аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлади.

– Тарихий биноларни сақлаш ҳамма даврларда энг катта муаммо бўлиб келган. Хива Ўзбекистонда тарихий обидаларни таъмирловчи реставраторлар мактаби бўлган. Бугун ана шу мактабни қайта тиклаш вақти келди, – деди Президент. – Амир Тўра мадрасаси реставраторларни ўқитадиган мактаб бўлади. Бу ерда усталарга Самарқанд, Фарғона, Қўқон реставрация мактаблари анъаналари ўқитилади. Сайёҳлар кундузи реставраторлар ишини кўрса, кечки пайт бу ерда тарихий саҳналар, хон қабуллари намойиш этилади. Шундай қилсак, бу обидаларда ҳаёт қайнайди.

Туризм мамлакатимизда стратегик соҳалардан биридир. Хоразм вилоятида ҳам бу борада улкан салоҳият мавжуд. Ундан оқилона фойдаланиш мақсадида 2020-2021 йилларда вилоятда туризмни ривожлантириш дастури ишлаб чиқилган.

Мазкур дастурда Хоразмнинг туризм салоҳиятини ривожлантириш стратегияси белгилаб берилган. Унга кўра, келгуси икки йилда вилоятда 64 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилади. Туризм лойиҳалари вилоятнинг барча туманларини қамраб олади.

Жаҳонда кузатилаётган коронавирус таҳдиди туризм бозорига ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. Ўзбекистонда бунинг олдини олиш ва соҳани барқарор ривожлантириш учун зарур чоралар ишлаб чиқилди. Давлатнинг институционал кўмаги, ҳукуматлараро ҳамкорлик, логистика, туризм салоҳияти тарғиботи, ички туризм ойлиги ва ҳафталиклари, «Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!» лойиҳалари ана шундай чоралар сирасига киради. Шунингдек, минтақавий туризм лойиҳаси орқали коронавирус тарқалмаган қўшни давлатлардан сайёҳларни жалб қилиш назарда тутилган.

Мамлакатимиз бўйлаб амалга ошириладиган бундай тадбирлар натижасида 580 минг хорижий сайёҳни жалб қилиш ва туризм хизматлари экспортидан 94 миллион доллар даромад кўриш режалаштирилган. Шунингдек, ички туризм орқали 5 миллион юртдошимизнинг саёҳатларини ташкил этиш ва қўшимча 840 миллиард сўм тушумга эришилади.

«Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили» Давлат дастурига мувофиқ, вилоятда таълим йўналишида лойиҳалар амалга оширилади. Жумладан, Хоразм вилоятида Малайзиянинг «Binary» университети филиалини, Урганч давлат университетида маданий меросни бошқариш, гид ҳамроҳлиги ва таржимонлик йўналишларини очиш режалаштирилган. Бунинг натижасида вилоятда ҳар йили туризм йўналишида 50-60 нафар малакали кадр тайёрланади.

Хоразм лазгиси ўтган йил декабрь ойида ЮНЕСКОнинг номоддий маданий мерос рўйхатига киритилган эди. Бугунги кунда Япония, АҚШ ва Европа давлатларида лазгига қизиқиш ортиб бормоқда. Ушбу санъатни ёшларга етказиш, хорижликларга маҳорат дарслари ўтиш учун Хоразмда лазги академияси ташкил этилади. Бу ҳам халқимизнинг номоддий маданий меросини дунёга тарғиб этишга хизмат қилади.

Айни пайтда вилоятда 600 дан ортиқ балиқчилик фермер хўжалиги мавжуд. Бу гастрономик туризмни ривожлантириш учун қулай имконияттдир. Ундан фойдаланиш мақсадида 71 та кўлда халқаро стандартлар даражасида хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш орқали сайёҳлар оқимини кўпайтириш мўлжалланмоқда.

Афсуски, бизда ҳозир фақат балиқ ови ва гастрономик хизматлар кўрсатилади. Аслида Хоразмда биргина ушбу йўналишда ўндан ортиқ хизматни йўлга қўйиш мумкин. Бу йўналишни ривожлантириш ва келгусида Хоразмни балиқчилик, яъни «Fishing culture» марказига айлантириш кўзда тутилган. Ҳозирги кунда Франция ва Россия телекомпаниялари билан Хоразм балиқчилигига бағишланган кўрсатувлар суратга олинмоқда.

Қишлоқларда янги иш ўринлари яратишда туризмнинг роли катта. Хоразм мисолида «Туристик маҳалла», «Туристик қишлоқ» концепциялари ривожлантирилади. Бунинг учун тўртта қишлоқ танлаб олиниб, уларда саксонга яқин меҳмон уйлари барпо этиш, ҳудудларнинг ҳунармандлиги, агро ва этнотуризмини кўрсатиш мўлжалланаяпти.

Вилоятда тематик паркларни ривожлантириш бўйича ҳам лойиҳалар ишлаб чиқилган. Масалан, Хоразм заминидан кўплаб буюк аждодларимиз етишиб чиққан. Уларнинг мум ҳайкаллари ва фото зоналарини ташкил этиш мўлжалланмоқда. Улардан дастлабки тўрттаси «Ичан қалъа»да ўрнатилади. Йил охиригача ўндан зиёд аждодларимизнинг ҳайкаллари ўрин олади.

Хива туманида «Анор», «Анжир», Янгиариқ туманида «Меннонит қишлоғи» тематик парклари барпо этилади. Натижада кўплаб янги иш ўринлари яратилади, ҳудудларнинг туризм жозибадорлиги ортади.

Давлатимиз раҳбари туризм лойиҳалари билан танишар экан, Хивада хонлар шаҳарчаси барпо этиш, бу ерда Хоразм хонлари тарихини кўрсатиш, халқимиз ва хорижий сайёҳларга етказиш лозимлигини таъкидлади.

– Бизники сингари буюк тарих ер юзида жуда кам. Жалолиддин Мангубердидек буюк аждодларимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Боболаримиз тарихини ўргатадиган масканларни кўпайтирсак, ҳам даромад келади, ҳам халқимизга тарихимизни ўргатамиз, – деди Шавкат Мирзиёев.

Президентимиз Хива шаҳридаги бирорта обида эътиборсиз қолмаслиги, амалга ошириладиган лойиҳалар натижасида дунёдаги гўзал туристик масканлардан бирига айланиши лозимлигини таъкидлади. Вилоятда туризмни ривожлантириш борасида мутасаддиларга аниқ топшириқлар берди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Хива шаҳридаги Президент мактабида яратилган шароит билан танишди.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда билимли ёшларни тарбиялаш учун мустаҳкам пойдевор қўйилди. Хусусан, ҳар бир ҳудудда Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар барпо этилаётгани мактаб таълимини жаҳон стандартлари даражасида ривожлантириш, барча соҳалар учун иқтидорли кадрлар тайёрлаш, ёшларнинг салоҳиятини юксалтиришга имконият яратмоқда.

Президент мактабларининг дунёда муқобили йўқ. Ушбу ўқув даргоҳларида таълим жараёни ривожланган давлатлар тажрибаси асосида ишлаб чиқилган ўқув режаси ва дастурлари бўйича инглиз тилида олиб борилади.

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 20 февралдаги «Президент мактабларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, қисқа муддатда Тошкент, Хива, Наманган ва Нукус шаҳарларида дастлабки Президент мактаблари қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Хива шаҳридаги Президент мактаби ҳам анъанавий мактаблардан фарқли равишда ихчам ва билим олиш учун қулай. 2019 йил сўнггида фойдаланишга топширилган билим маскани вилоят ёшлари учун улкан совға бўлди.

Мактаб 168 ўринли бўлиб, 2 қаватли ўқув биноси, 3 қаватли ётоқхона, ошхона, хорижлик ўқитувчилар учун меҳмонхонага эга. Синф хоналари энг замонавий ўқув қуроллари билан жиҳозланган. Спорт зали, сузиш ҳавзаси қурилишига ҳам инновацион ёндашилган. Мактаб кутубхонаси Кембриж, Оксфорд университетлари нашриётлари ҳамда Коллинз нашриётининг «STEAM» дастури бўйича дарслик ва ўқув қўлланмалари, ўзбек ва жаҳон адабиёти намуналари билан таъминланган. Дарсликларнинг электрон шакллари ҳам мавжуд, бу ўқувчиларга улардан янада самарали фойдаланиш имконини яратади.

2019-2020 ўқув йилида 5-10 синфларга жами 144 нафар ўқувчи танлов асосида қабул қилинган.

Президент мактабида дарслар Кембриж университети экспертлари билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган ўқув режаси ва дастурлари асосида олиб борилади. Мактабга 9 нафар хорижлик мутахассис ҳамда 21 нафар тажрибали маҳаллий ўқитувчи жалб қилинган. Улар ҳам халқаро таълим талаблари асосида махсус имтиҳонлар орқали танлаб олинган.

Давлатимиз раҳбари виртуал кимё лабораторияси, мусиқа хонасида яратилган шароитлар билан танишди, ўқитувчи ва ўқувчилар билан суҳбатлашди.

– Мана шундай масканларда кўплаб иқтидорли фарзандларимиз илм олишдек катта йўлга қадам қўйди. Бу уларнинг ҳаётидаги энг тўғри ва мақсадли танловдир. Келгусида турли соҳаларда улар эришаётган ютуқлар, юртимизга тегаётган фойдасини кўриш барчамиз учун бахт, – деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари шу ерда Жиззах, Самарқанд, Бухоро ва Қашқадарё вилоятларида ташкил этиладиган Президент мактабларида ўқув жараёнларини ташкил этиш борасидаги режалар билан ҳам танишди.

Президентимизнинг Хоразм вилоятига ташрифи давом этмоқда.

**ЎзА.**

# Гипс ишлаб чиқариш ҳажми ортади

**«КНАУФ ГИПС БУХОРО» ҚК МЧЖ Ўзбекистонда гипс қоришмаларини янада кўпроқ миқдорда ишлаб чиқаришга қарор қилди. Компаниянинг 2019-2020 йилги инвестиция дастурига мувофиқ, ишлаб чиқариш қувватлари кенгайтирилиб, қўшимча гипс қоришмалари линияси қурилади.**

Бухоро заводининг ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш тўғрисидаги қарорига сувоқ ва шпатлёвка маҳсулотларига талабнинг ортиши сабаб бўлди. Модернизацияда Европа ва Россияда ишлаб чиқарилган ускуналардан фойдаланилди.

– 2019 йилда КНАУФ 110 минг тонна гипс қоришмаларини сотди, бу 2018 йилдаги кўрсаткичга нисбатан 29 фоиз кўпроқдир, – дейди КНАУФнинг Ўзбекистондаги корхоналари бош директори Дмитрий Дерипалко. – Мутахассислар бу йил сотувлар 130 минг тоннага етишини тахмин қилмоқдалар. Шу маънода, сифатли қурилиш материалларига ортиб бораётган талабни қондириш учун Ўзбекистонда гипс қоришмаларини ишлаб чиқаришга яна 2,2 миллион евро миқдорида қўшимча сармоя киритишга қарор қилдик.



Бугунги кунга қадар 1,3 миллион евро миқдорида маблағ ўзлаштирилди.

Гипс ишлаб чиқарувчи ускуналарнинг иккинчи компекси ишга туширилиши 2019 йилнинг охирига тўғри келди. Қуруқ қоришмаларнинг қўшимча линиясини ишга тушириш 2020 йил август ойига режалаштирилган. Бу модернизация КНАУФ сувоқ ва шпатлёвка маҳсулотлари ишлаб чиқарилишини йилига 200 минг тоннага етказиши мумкин.

**Ўз мухбиримиз.**

**Тошкент архитектура-қурилиш институти Бино ва иншоотлар қурилиши факультетида таниқли психолог, психология фанлари номзоди Нигора Шомуротова билан «Оилам – бахтим менинг» мавзусида учрашув ўтказилди. Учрашувда факультет профессор-ўқитувчилари, талабалар қатнашдилар.**

# «Оилам – бахтим менинг»

Нигора Шомуротова тадбирдаги чиқишида оилага хос психологик жараёнлар, оила аъзоларининг бир-бирларига муносабатлари, никоҳдаги ўзаро мослик масалалари, оилавий можароларнинг психологик омиллари, оилада бола тарбиясининг ижтимоий психологик методлари ҳақида гапириб ўтди. Бундан ташқари, оиланинг асосий вазифаси ҳисобланган тарбиянинг сустлашуви, тангликнинг сабабларидан бири экани, иқтисодиётнинг, инсоний муносабатларнинг ҳамда урф-одатларнинг ёмонлашуви, никоҳ ва оилага нисбатан юзаки муносабатда бўлиш, урф-одат қоидалари ва анъаналарни унутиш каби бошқа кўпгина иллатлар бола тарбиясига салбий таъсир кўрсатиб келаётганини таъкидлади.

Ўз навбатида олима ёшларга неча ёшда турмуш қуриш керак, деган савол билан мурожаат қилиб, талаба-ёшларнинг жавобларини тинглади ва бу ҳақидаги ўз фикрларини баён қилди. Фикрларнинг тўғри ёки нотўғри эканини психолог ўз мулоҳазалари билан тушунтириб берди.

Тадбирда турли қизиқарли баҳс-мунозаралар, психологик тренинглар ташкил этилиб, унда профессор-ўқитувчилар ва талабалар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

Тадбир якунида Нигора Шомуротова ёшлар мустаҳкам оила қуришлари ва бахтли бўлишлари учун керакли маслаҳатлар берди ва бунинг учун ўқиладиган адабиётлар рўйхатини тавсия этди.

**Нигора АЛИМОВА,**
**ТАҚИ Жисмоний тарбия ва психология кафедраси катта ўқитувчиси.**

# Қурилиш саноати ривожланмоқда

(Давоми. Боши 1-бетда)

– Маҳаллийлаштириш дастури доирасида 418 млрд сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди ва натижада 47 млн долларлик импорт қисқартирилди, – деди Улуғбек Абраев. – Ўтган йилда соҳага жами 1,3 млрд долларлик, шу жумладан 570 млн долларлик тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб қилиниб, шундан умумий қиймати 583 млн долларлик 866 та лойиҳалар ишга туширилди ва бунинг самарасида 8 минг 850 та янги иш ўринлари ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ва «Ўзстандарт» агентлиги билан ҳамкорликда қурилиш материалларини ишлаб чиқариш бўйича 340 та халқаро стандартлар қабул қилинди Уюшма таркибидаги 40 та корхона Сифат менежменти тизими (ISO 9001) сифат сертификатига эга бўлди. Шу кунларда Қурилиш вазирлигига иситиш ва совутиш тизимларида фойдаланиладиган энергия тежамкор ва иқтисодий самарадор бўлган қурилиш маҳсулотларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш борасида ўз таклифларимизни бердик.

Бугун Ўзбекистонда бўлаётган ўзгаришлар, ислоҳотлар замирида аҳолининг турмуш шароитини янада яхшилашдек улуғвор мақсадлар мужассам. Айниқса, кейинги йилларда қурилиш соҳасида амалга оширилаётган янгиланишлар эътиборга молик. Ҳеч муболағасиз, айтиш мумкинки, Ўзбекистонда қурилиш индустрияси шаклланиб бормоқда. Бу жараёнда маҳаллий тадбиркорларимиз томонидан ишлаб чиқарилаётган сифатли қурилиш маҳсулотларининг ўрни ва салмоғи ортиб боряпти.

Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган қурилиш материалларига бўлган талаб нафақат маҳаллий балки, жаҳон бозорларида ҳам ортиб бормоқда. Айниқса, гипсокартон, иссиқлик сақловчи шиша момиғи, оҳак, керамик плиткалар, гипс каби маҳсулотлар экспорти йилдан-йилга ортмоқда. Таҳлилларга этибор қарайдиган бўлсак, 2019 йилда қурилиш материаллари соҳаси учун экспорт прогнози 95,0 млн АҚШ доллари миқдорида белгиланган бўлиб, ушбу кўрсаткич экспортер корхоналар томонидан 140 млн АҚШ доллари ёки 147 фоизга бажарилган. Ташкил этилган қурилиш материаллари кўргазмасида қурилиш маҳсулотларининг тури ва сифати ортиб, энг муҳими талаб ҳам кенгайиб бораётганига гувоҳ бўлиш мумкин.

– Корхонамиз табиий гранит хом ашёсидан брусчаткаларни ишлаб чиқариб, харидорларга етказиб бериш билан шуғулланади, – дейди «Yu Co» МЧЖ ишлаб чиқариш бўйича директори Умиджон Абдуқодиров. – Ҳозирги кунда 10 турдаги, қуввати 3 мингдан 5 минг квадратгача бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқаряпмиз. Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ туманида жойлашган корхонамизда дастлаб 10 нафар ишчи бор эди, бугунги кунга келиб Хитой ва Туркиядан келтирилган асбоб-ускуналарни ўрнатиб, ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтиришимиз орқали 25 нафар ишчи-ходимлар ва 20 дан зиёд қурувчилар ишга жалб қилинди. Ишлаб чиқараётган қурилиш материалларимизни Қозоғистон, Тожикистон, Туркманистонга экспорт қилишга ҳаракат қиляпмиз.





– Шишали мозаикалар бугун қурилиш соҳасида жуда оммалашиб бормоқда, – дейди «GLAMOUR MOZAIK» МЧЖ директори Элдор Абдуллаев. – Корхонамиз дастлаб 25 хил ана шундай маҳсулотларни ишлаб чиқарган бўлса, бугунги кунга келиб 300 хил турдаги шишали мозаикаларни харидорларга етказиб бермоқда. Ўрта Осиё мамлакатларида 18 та шишали мозаикалар ишлаб чиқарувчи заводлар мавжуд бўлса, уларнинг 16 таси мамлакатимизда жойлашган. Италия технологиялари асосида ишлаб чиқарилаётган бу каби нафис ва бежирим, ранг-баранг шишали мозаикалар ҳовузларга, намлик даражаси юқори бўлган хоналарга ҳамда биноларнинг фасад қисмлари учун безак сифатида ишлатилади. Бугунги кунда 100 минг квадрат метр ҳажмда маҳсулотлар ишлаб чиқараётган бўлсак, келгусида ушбу қувватни янада ошириб, маҳсулотларимизни экспортга йўналтириш ва янги иш ўринларини ташкил этишни режалаштирганмиз.

Маҳаллий бозорни арзон, сифатли, энергия тежамкор, янги турдаги қурилиш материаллари билан таъминлаш «SANF LEATHER» корхонасининг ҳам асосий мақсади ҳисобланади. Корхона йўл қурилишида зарур бўладиган энергия тежамкор, иқтисодий самарадор маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан шуғулланади. Йўл қурилишида фойдаланиладиган самарали маҳсулотлар бўйича бир қатор таклифлар корхона томонидан Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитасига берилган.

Маълумотларга кўра, жорий йилда қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ҳажмини 22 трлн сўмга, шу жумладан, «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси таркибидаги корхоналар бўйича 5,9 трлн сўмга етказиш режалаштирилган. Жумладан, 50,6 млн квадрат метр гипсокартон, 3,65 млн ўрам гулқоғозлар, 17,3 млн квадрат метр керамик плитка, 14,5 млн тонна цемент, 458 минг дона санитар-техник буюмлар, 650 минг тонна мармар ва гранит тошлари, 1 млн квадрат метр керамогранит, 90 минг куб метр ДСП каби қурилиш материаллари ишлаб чиқарилади.

Замонавий ва энергия тежамкор қурилиш материалларидан 1 млн куб метр газобетон блоклари, базальт ва шиша момиғидан 25 минг тонна иссиқлик сақловчи плиталар, базальт толасидан 2,5 минг тонна композит арматура, ПВХ грануласидан 114 минг тонна қувур ва фитинглар, 1,5 млн квадрат метр пол паркети, 4,8 млн погонометр декоратив плинтус, полипропилендан 500 тонна қурилиш ҳимоя сеткаси, йўл белгилари учун 5 минг тонна лок-буёқлари, 628 минг квадрат метр агломерат плиталар, кварц қумидан 80 минг квадрат метр стеклокристалит плиталар ишлаб чиқарилади.

Умуман олганда, жорий йилда асосий қурилиш материаллари бўйича ички бозорни тўлиқ таъминлашга қаратилган ишлаб чиқариш қувватлари яратилади. 2020 йилги Инвестиция дастури доирасида «Оҳангаронцемент» АЖда 2,4 млн тонна цемент ишлаб чиқариш бўйича янги линия, «Кварц» АЖда 22,2 млн квадрат метр флоат ойна ишлаб чиқариш янги линияси, «Самарқанд Афросиёб цемент» МЧЖда 560 минг тонна юқори маркали цемент ишлаб чиқариш, «Сурхан КСП Гранд» МЧЖда 150 минг куб метр ва «Мўйноқ ЛДСП» МЧЖда қамишдан 50 минг куб метр ДСП ишлаб чиқариш каби йирик лойиҳалар ишга туширилади.

**Наргиза ХАЙРУЛЛАЕВА,**
**«O‘zbekiston bunyodkori» муҳбири.**

**Ёшларимизга бўлган эътиборни янада кучайтириш, уларни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, ёшларда ахборот технологияларидан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш, шунингдек, улар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини ошириш масалалари Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган 5 ташаббуснинг асосий мақсади ҳисобланади.**

# «Беш ташаббус – беш имконият!»

Тошкент Автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институтида ташкил этилган тадбир ҳам ана шу мавзуга бағишланди. Унда сўзга чиққан институт профессор-ўқитувчилари томонидан таъкидланганидек, турли зиддиятлар кучайиб бораётган бугунги дунё манзараларида ёшларимизнинг маънавий иммунитетини кучайтириш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш ҳар қачонгидан ҳам долзарб эканини замоннинг ўзи кўрсатиб турибди. Шу боис Президентимиз томонидан илгари сурилган 5 та муҳим ташаббус алоҳида аҳамият касб этади. Бу эса ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйишни тақозо этади. «Беш ташаббус – беш имконият!» шиори остида ўтган маънавий-маърифий тадбирда ҳам ёш авлодни маънавий баркамол инсон этиб тарбиялаш, бўш вақтини мазмунли ўтказишни ташкил этиш, уларнинг санъат, спорт, ахборот технологиялари, китоб ўқишга қизиқишини оширишда бешта муҳим ташаббуснинг ўрни алоҳида эътироф этилди.

– Президентимиз илгари сурган беш муҳим ташаббус ўсиб келаётган ёш авлодни баркамол этиб тарбиялашга қаратилгани билан ғоят аҳамиятли, – дейди институт Автомобиль йўлларини қидирув ва лойиҳалаш кафедраси доценти Барно Салимова. – Фарзандларимизни ёшлик пайтларидан спортга, санъатга, тил ўрганишга ва китоб ўқишга бўлган қизиқишларини уйғотиш борасида олиб борилаётган бу каби тадбирлар уларнинг ҳаётда ўз ўрнини топишида муҳим аҳамият касб этади. Бизнинг олий таълим муассасамиз йўл қурилиши ва лойиҳалаштириш жараёнларига етук мутахассисларни етиштириб чиқаради. Лекин инсон қайси касб эгаси бўлишидан қатъий назар ўзининг миллатига, халқининг юксак санъати ва маданиятига, маърифатига салмоқли улуш қўшган ота-боболарининг эзгу ишларини англаб етиши ва уларга содиқ фарзандлар сифатида юксак маънавиятли, интеллектуал салоҳиятли бўлишлари лозим бўлади. Бу жараёнда эса ташкил этилаётган мана шундай тадбирларнинг аҳамияти катта.

– Баҳорнинг ўлкамизга ташрифи энг гўзал байрамларга дебоча ҳамдир. Зеро, 1 март халқимизнинг улуғ ижодкори Зулфияхоним таваллуд топган кун бўлса, 8 март Халқаро хотин-қизлар куни, кейинроқ эса Наврўз умумхалқ байрами ва Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан 22 март Маҳаллалар куни сифатида кенг нишонланади, – деди институт талабаси Моҳигул Султонова. – Ташкил этилган тадбирдаги ўз чиқишимизда Зулфияхоним, Муҳаммад Юсуф, Абдулла Орипов сингари адибларнинг ибратли ҳаёти ва ижоди йўлига назар ташладик. Зеро, бу каби ижодкорларнинг яратган асарлари мангу ва улар асрлар давомида инсонларга гўзаллик, эзгулик, муҳаббат туйғуларини улашиб келаверади. Бу каби тадбирлар орқали биз ёшлар санъатга, адабиётга, китобхонликка бўлган қизиқишимиз янада ортмоқда. Эътиборлиси, ушбу чиқишлар орқали ўзимиздаги саҳна маданияти, оғзаки нутқ каби кўникмаларимизни ҳам шакллантириб бормоқдамиз.

Тадбирда талаба-ёшлар маданият, адабиёт, санъатга қизиқувчан ёшлар ўз иқтидорларини намойиш этиб, улар томонидан қўл меҳнати асосида тайёрланган миллий буюмлар, тасвирий санъат ва ижод асарларидан таркиб топган кўргазма ташкил этилди. Тадбирда фаол иштирок этган талабаларнинг ижодий ишлари баҳоланиб, уларга Фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди.

**Ўз мухбиримиз.**

МОЗИЙ

# Санъати барҳаёт Уста Ширин

**Узлуксиз давом этаётган қурилиш ва бунёдкорлик ишларидан юртимиз кундан-кун чирой очиб, замонавийлашиб, ўзининг бетакрор гўзал иншоотлари билан дунёдаги энг кўркам шаҳарлар ила тенглашиб бормоқда.**

Бизга маълумки, халқимиз меҳнаткаш, камтар ҳамда қўли гул инсонлардир. Шу билан бирга улар ўзларининг фидокорона меҳнатлари натижаси ўлароқ юртимизда қад кўтараётган бир-биридан гўзал иморатлари билан номи тилларда достон бўлмиш аждодларига муносиб эканларини исботламоқдалар. Халқимизда меъморий обидаларни қурган, уларни қайтиб тиклаган инсонларнинг умри узоқ ва барҳаёт бўлади, деган гап азалдан бор. Бир қатор тарихий обидаларни қурган, вайрона ҳолга келиб қолган бир қанча мақбара ва мадрасаларни қайта таъмирлаб, уларга яна жон бағишлаган, ўзбек меъморчилиги, ганчкорлиги тарихида ўз ўрнига эга Уста Ширин Муродов ҳақида ҳам ушбу фикрни айтиш, айни ҳақиқат бўлади.



Уста Ширин 1880 йилда бухоролик устазодалар оиласида туғилган. Отасидан ёшлигида етим қолган Уста, амакиси Уста Ҳаётнинг оиласида тарбияланиб, ундан қурувчилик ва ганчкорлик ишларини ўрганади. Амакисидан 15 йил давомида ушбу ҳунарларни ўрганиб бўлганидан сўнг, мустақил уста сифатида Бухорода бир нечта турар жой биноларини қуради. Унинг дастлабки мустақил иши бухоролик Насруллобойнинг уйи ва ҳашаматли меҳмонхонаси бўлди. Тез орада устанинг шуҳрати халқ орасида тарқалади. Уста истеъдодини, унинг иқтидорини кўролмайдиган бир гуруҳ ғаламислар Бухоро амири Саййид Абдулаҳад Баҳодирхонга «Салтанатингизга раҳна солувчи гаплар тарқатиб юрибди», деб устани жазога тортишга даъват этишади. Уста Ширин бир неча ой амир зиндонида жазони ўтагач, сарбозликка йўлланади.

Амирнинг Кармана шаҳрида қурилаётган саройида оддий ғишт терувчи бўлиб ишлаган Уста Шириннинг икки қўли бармоқларини совуқ уради. Унинг бахтига Абдулаҳадхон вафот этгач, амир Саййид Олимхон уни жазодан озод қилади ва ўзи учун Моҳи Хосада барпо этилаётган янги сарой қурилишига бош уста сифатида таклиф этади.




